

O'zbekiston Respublikasi
Qashqadaryo viloyati
Mirishkor tumani
Hokimi



Хоким
Миришкорского района
Кашкадарьинского области
Республика Узбекистан

QAROR
РЕШЕНИЕ

2020 yil "22" dekabr

HQ- 2304/12 -son

Yangi Mirishkor shaharchasi

**Миришкор туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро
кишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ҳамда
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман йўл хавфсизлик, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Арзиев, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Ё.Жалолов, Миришкор туман ободонлаштириш бошқармаси И.Пиннаев, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.

3. Мазкур қарор “Миришкор машъали” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Б.Арзиев, туман ободонлаштириш бошқармаси И.Пиннаев ва функционал вазибаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев.